


I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 38398,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 106,4 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 129,6 % ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг аҳоли жон бошига 13333,4 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 105,1 %га ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,8 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 34,5 %), саноат – 111,3 % (34,5 %), қурилиш – 110,1 % (3,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 103,3 % (7,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,0 % (12,5 %) ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


| | <i>млрд.сўм</i> | | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i> |
|---|-----------------|-----------------|---|
| | <i>2017 йил</i> | <i>2018 йил</i> | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 27847,6 | 38398,7 | 106,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 26140,9 | 36105,9 | 106,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 1706,7 | 2292,8 | 108,5 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 26140,9 | 36105,9 | 106,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 9015,3 | 11743,8 | 102,8 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 9832,2 | 15809,1 | 111,2 |
| саноат | 9014,1 | 14673,9 | 111,3 |
| қурилиш | 818,1 | 1135,2 | 110,1 |
| Хизматлар | 7293,3 | 8552,9 | 103,7 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 2083,6 | 2460,3 | 100,6 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 1940,6 | 2079,9 | 103,3 |
| бошқа хизматлари | 3269,2 | 4012,7 | 106,0 |

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯҲМ таркибидаги улуши 2017 йилдаги 34,5 %дан 2018 йилда 32,5 %га камайганлигини кўриш мумкин. Иккиламчи секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 37,6 %дан 43,7 %га ошди, учламчи сектор (хизматлар соҳаси)нинг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 27,9 %дан 23,8 %га камайди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 57,9 % кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрда 63,6 % ташкил қилди.


2018 йил январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 27,9 % (2017 йил январь-декабрда 23,8 %)ни ташкил қилган.

ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири 1,0 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 3,7 % га ўсиши кузатилди. Шундан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 3,3 % га ва бошқа хизматлар 6,0 % га ўсди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 10,1 % га ўсди. ЯХМнинг мутлоқ ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,3 ф.п. даражасида баҳоланди.

2018 йилнинг январь-декабрь якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2,8 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯХМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,1 ф.п. ни ташкил этди.

2018 йил январь-декабрда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



2018 йил январь-декабрда ЯХМ дефлятори индекси 2017 йил январь-декабрдаги нархларга нисбатан 129,6 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 146,3 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 127,7 % қайд этилди.

Вилоятнинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда – 126,0 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 117,4 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – 103,8 %, бошқа хизматларда – 115,8 % ва маҳсулотларга солиқларда – 123,8 % қайд этилди.

2018 йил январь-декабрда
ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси

